



# «FINANCE AUDIT» MCHJ

## auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Navoiy shoxkuchasi 35 uy, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк  
Анд вилоят булими, МФО: 00074, INN: 302754484, тел: (90) 254-16-20, email: [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru) Молия  
вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси : 28 апрель 2021 йил

«Андижон 1- сон пахтани қайта ишлаш» АЖ  
Рахбариятига

«Андижон 1- сон пахтани қайта ишлаш» АЖ нинг манзили ва банк реквизити: Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон туман, Гулобод шаҳарчаси, ОАТБ «Аробанк», Андижон туман булими, МФО: 00062, х/р 2021 0000 3002 8223 9001, ИНН : 200258076.

Мен, «FINANCE AUDIT» MCHJ аудиторлик ташкилоти (манзил: 17034001, Андижон шаҳри, Navoiyshox kuchasi 35 uy, ТИФ Миллий банк Андижон булими, МФО 00074, ИНН 302754484, Оконх 84400, тел: 99890 254-16-20, email [financeaudit2019@mail.ru](mailto:financeaudit2019@mail.ru), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Андижон шаҳар давлат хизматлар маркази томонидан 2019 йил 5 январда 17559-тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган ва Молия Вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 00754-сонли лицензия эгаси) ташкилот раҳбари, аудитори У.Раҳмонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда берилган 05365 рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) хужалик юритувчи субъект «Андижон 1- сон пахтани қайта ишлаш» АЖ нинг тақдим этган молиявий ҳисоботлари ишончилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

#### Хужалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Андижон 1- сон пахтани қайта ишлаш» АЖ томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик бўйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик иш режаси асосида текширув ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик иш дастурини тузиш ва танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

#### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос буладиги «Андижон 1- сон пахтани қайта ишлаш» АЖ 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний ақс эттиради.

«FINANCE AUDIT» MCHJ  
аудиторлик ташкилоти раҳбари, САР



У.Раҳмонова